2010 йил 29 октябрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 209 (11.770) | Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ислоҳотлар оқимида

## ЭҲТИЁЖГА КЎРА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

**Мамлакатимиз шаҳару қишлоқлари кейинги йилларда тобора чирой очиб, ўзгача жозиба касб этмоқда. Замонавий уй-жойлар, барча қулайликларни ўзида мужассам этган ўқув масканлари, равон йўллар, мустаҳкам кўприклар бундан ёрқин далолатдир.**

Албатта, бунёдкорлик ишлари жадаллашиб, сифати талабга жавоб беришида малакали мутахассисларнинг ғайрат-шижоати баробарида қурилиш ашёларининг ўзига хос ўрни бор. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни замонавий технологиялар асосида тайёрлашда айниқса тадбиркорлик ва ташаббускорлик билан иш юритаётган кичик бизнес субъектларининг ҳиссаси беқиёс.

«Rezalit Kolor» масъулияти чекланган жамиятида «Rezalit» савдо белгиси остида лок-бўёқ маҳсулотлари тайёрланади. Қисқа вақт ичида халқаро андозаларга жавоб берадиган маҳсулотлари билан корхона ички бозорда муносиб ўрин топган.

— Корхонада Германиянинг «Glariant OMBN» компаниясининг юксак унумли жиҳозлари ўрнатилган, — дейди корхона директори Аваз Каримов. — Икки йўналиш бўйича тайёрланаётган лок-бўёқлар, пардозлашда қўл келадиган турли елимлар, хилма-хил қуруқ қоришмалар сифат сертификатига эга бўлиб, экологик кўрсаткичлари ҳам талабга тўла жавоб беради. Юртимизда қурилиш ишлари тобора авж олиб, қишлоқларимизда ҳам замонавий турар-жой бинолари қад ростлаётган бугунги кунда биз ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот харидоргирлигини таъминлаш, янги-янги усуллардан оқилона фойдаланишни мақсад қилганмиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «Rezalit Kolor» жорий йилда Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2010» кўрик-танловининг пойтахт босқичида биринчи ўринни эгаллади. Бундай рағбат жамоа аҳлини янги изланиш ва ташаббуслар сари етаклаётганини рақамлар тили билан ҳам изоҳласа бўлади. Ҳозирги пайтда 60 нафар малакали мутахассис жамланган жамоада 2010 йилнинг ўтган олти ойи давомида 662 тонна лок-бўёқ тайёрлашга муваффақ бўлинди, товар айланмаси 472 миллион сўмдан зиёдни ташкил этди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулотларни бозорбоп қилиб қадоқлашни йўлга қўйиш мақсадида янги дастгоҳлар келтирилди.




Айни пайтда лок-бўёқ маҳсулотларига талаб ортиб бораётганлиги корхонада изланишларни давом эттиришга ундамоқда. Яқин орада иккита янги цех ишга туширилиши кутилмоқда. Албатта, маҳсулот турларини кўпайтириш баробарида қўшимча иш ўринлари ҳам яратилади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

## ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

**Кеча шаҳар фаолларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда жорий йилнинг тўққиз ойи давомида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди ҳамда мамлакатимиз Президенти томонидан ҳукуматнинг 2010 йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши юзасидан қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинди.**

Кун тартибидаги асосий масала бўйича маъруза қилган шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев муҳим дастурий ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда ҳисобот даврида пойтахт иқтисодиётида эришилган параметрлар ҳақида тўлиқ ахборот бериб, ижтимоий соҳадаги айрим масалалар хусусида ҳам тўхталиб ўтди.

Қайд этилганидек, 2012 йилгача мўлжалланган Инқирозга қарши дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг изчил татбиқ этилиши натижасида ўтган давр мобайнида макроиқтисодий барқарорлик таъминланди ва бунга иқтисодиётнинг асосий тармоқларида эришилган юқори ўсиш суръатлари далолатдир.

Чунончи, январь-сентябрь ойлари давомида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 10,9 фоизни ташкил этди. Шу жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 14,9 фоизга, халқ истеъмоли моллари ҳажми — 10 фоизга, кўрсатилган хизматлар ҳажми —14,8 фоизга ошди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида иқтисодиётнинг реал сектори ҳар томонлама қўллаб-қувватлангани туфайли, жумладан экспорт қилувчи корхоналар барқарор ривожланиши учун яратилган қулайликлар экспорт ҳажми 44,5 фоизга ошишига замин яратди.

Иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари республика ва маҳаллий бюджетнинг даромад қисми вақтида ва ортиғи билан (тегишли равишда 0,2 фоизга ва 2,4 фоизга) таъминланишига ҳам асос бўлди.

Маҳаллий бюджет ҳисобидан ижтимоий дастурларда кўзланган вазифалар ҳамда жорий давр учун белгиланган тадбирлар тўлиқ молиялаштирилди. Жумладан, ижтимоий соҳага 355,7 миллиард сўм, ижтимоий ҳимояга 17,1 миллиард сўм йўналтирилди. Ҳисобот даврида саккизта касб-ҳунар коллежи, иккита академик лицей, тўртта мусиқа ва санъат мактаби, бешта сузиш ҳавзаси капитал таъмирланди, иккита янги лицей, биттадан коллеж ва мусиқа мактаби, соғломлаштириш спорт мажмуалари барпо этилди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури вазифаларини амалга ошириш учун бюджетдан 60,5 миллиард сўм ажратилди. Тўққиз ой давомида ушбу дастур доирасида барча манбалар ҳисобидан 560,5 миллиард сўм ва 70 минг долларга тенг ишлар амалга оширилди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида инвестиция ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича дастурларнинг таъминланишига доир иқтисодиётнинг айрим тармоқлари чуқур таҳлил этилди.

(Давоми 2-бетда)

**Марказий Осиёнинг трансчегаравий, глобал аҳамиятга эга бўлган экологик муаммолари минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнини мураккаблаштирмоқда ва бу ерда яшаётган миллионлаб одамлар ҳаётига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Буни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йилнинг сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммитидаги нутқида ҳам алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Борий АЛИХОНОВ билан экологик барқарорликни таъминлаш борасида бугунги кунда жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалар ҳақида суҳбатлашди.**

## КЕЛАЖАК АВЛОД МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

– Экологик хавфсизлик барқарор ривожланишнинг асосларидан бири ҳисобланади, – деди Б.Алихонов. – Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг дастлабки кунларидан юртимизда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақасида экологик вазиятни яхшилашга катта эътибор қаратиб келмоқда. Афсуски, бугунги кунда бу борада юзага келаётган кўплаб муаммолар тоталитар тузум даврида оқибатини ўйламай хўжалик юритишдан «мерос» қолган. Ўзбекистон истиқлолга эришгач, бу муаммоларни самарали ҳал қилиш мақсадида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида», «Ер ости бойликлари тўғрисида», «Ўрмон тўғрисида», «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Чиқиндилар тўғрисида», «Экологик экспертиза тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир. Бу борадаги халқаро нормаларга мос келадиган ҳуқуқий база мунтазам такомиллаштирилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича шаклланган қонунчиликни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилди. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган мақсадли давлат дастурлари, миллий ҳаракат режалари нафақат мавжуд муаммоларни бартараф этишни, балки келажак авлоднинг ҳаёти учун қулай муҳит ва шарт-шароит яратишга қаратилган кенг кўламли ишларни ўз ичига олади.

**– Ўзбекистон экологик ҳаракати ушбу кенг кўламли ишларга қандай ҳисса қўшмоқда?**

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Тошкент маданият коллежида ёшларнинг маънавий-маърифий дунёқарашини шакллантириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

✓ **БУГУН** Сергели тумани ҳокимлигида яқинда қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун мазмун-моҳиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

✓ **ШАЙХОНТОҲУР** туманида иқтидорли қизлар ўртасида ташкил этилган «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Бугун Тошкент шаҳар ҳокимлигида Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**
- **Жиззах вилояти фаоллари йиғилишида жорий йилнинг тўққиз ойида вилоятда иқтисодий-ижтимоий соҳаларда эришилган натижалар ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини амалга ошириш масалалари муҳокама этилди.**
- **Сурхондарё вилоятида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган 660 та уй-жой яқин кунларда ўз эгаларига топширилади. Вилоятда намунавий лойиҳадаги уй-жойларга қизиқиш тобора ортиб бораётгани аҳоли турмуш фаровонлиги юксалаётганидан дарак беради.**
- **Навоий шаҳрида «Мингйиллик ривожланиш мақсадлари: мулоҳаза, муносабат ва таҳлил» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбирга ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари жалб қилинди.**
- **Тошкентда Германиянинг «Inwent» малака ошириш ва ривожланиш жамияти билан ҳамкорликда амалга оширилаётган бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш дастурига бағишланган анжуман бўлиб ўтмоқда.**
- **Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.**
- **Самарқандда «Янги авлод-2010» республика болалар ижодиёти ва санъати фестивалининг вилоят босқичи ўтказилди. «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилаётган анъанавий танлов истеъдодли ўғил-қизларни аниқлаш ва рағбатлантириш, уларнинг ўз иқтидор ва имкониятларини тўла намоён этишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.**

### ЖАҲОНДА

- **2004 йил бошидан 2008 йил августгача бўлган даврда Ироқда амалга оширилган ҳарбий ҳаракатлар давомида 77 мингга яқин маҳаллий аҳоли қурбон бўлган, деб маълумот тарқатган АҚШ марказий қўмондонлиги. Уларнинг 63 минг 185 нафари маҳаллий фуқаролар бўлса, 13 минг 754 нафари Ироқ хавфсизлик кучлари вакилларидир.**
- **Россияда гиёванд моддаларнинг ноқонуний айланишини назорат қилиш бўйича федерал хизмат маълумотларига кўра, бугунги кунда мамлакатда ишга яроқли аҳолининг, яъни 15 дан 64 ёшгача бўлган кишиларнинг 2 фоизи гиёванд модда истеъмол қилади. 1,5 миллион киши опиумга ружу қўйган.**
- **Арманистон рақобатбардошлик миллий жамғармаси хабар қилишича, мамлакат жанубидаги Сюник вилоятида дунёдаги энг узун осма кўприк фойдаланишга топширилди. 45 миллион доллар сарфланган ушбу осма кўприкнинг узунлиги 5,7 километрни ташкил этади.**
- **Хитойнинг Гуйчжоу вилоятидаги Гуйян шаҳрида ҳайратланарли ҳодиса юз берди. 10 яшар хитойлик бола 20-қаватдан тушиб кетди ва омон қолди. Маълум бўлишича, бола деразадан тушиб кетиб, пастдаги автомашинанинг орқа ойнасига боши билан «санчилиб» қолган. Машина эгалари салонда қолдирган ёстиқ боланинг омон қолишига сабаб бўлган.**

## ХОЛИД БИН САУД БИН ХОЛИД ОЛ САУД:

# «ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁНИНГ САНОАТИ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРИ САФИДАН ЖОЙ ОЛАДИ»

**Шу йилнинг 26-28 октябрь кунлари Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари шаҳзода Холид бин Сауд бин Холид Ол Сауд бошчилигидаги делегация мамлакатимизда меҳмон бўлди.**

Ўзбекистонга ташрифи доирасида шаҳзода Холид бин Сауд бин Холид Ол Сауд бошчилигидаги Саудия Арабистони делегацияси бир қатор вазирликларда бўлиб, самарали музокаралар ўтказди, шунингдек, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари ва меъморий ёдгорликларини кўздан кечирди. Музокаралар чоғида меҳмонларга юртимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти, кўплаб хорижий давлатлар, шу жумладан, араб дунёси мамлакатлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган йирик сармоявий лойиҳалар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Шаҳзода Холид бин Сауд бин Холид Ол Сауд «Жаҳон» ахборот агентлигининг мухбири билан суҳбатда делегациянинг юртимизга ташрифидан кўзланган мақсадлар хусусида ўртоқлашди. У, жумладан, Саудия Арабистони подшоҳлиги Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги ишончли шериклардан бири сифатида қарашини қайд этди.

Саудиялик дипломатнинг таъкидлашига кўра, Ўзбекистон ва Саудия Арабистонининг ўзаро муносабатлари олис ўтмишга бориб тақалади. Саудия Арабистони ҳудудида мусулмонларнинг Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварадек муқаддас қадамжолари жойлашган бўлса, Ўзбекистон замини ислом ва жаҳон илм-фани ҳамда тамаддуни равнақига улкан ҳисса қўшган буюк олимлар, кўплаб давлат арбоблари туғилгани ва камол топгани билан муқаддасдир.

— Икки мамлакат ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш мақсадида олий ва расмий даражадаги ўзаро ташрифлар алмашинувини фаоллаштириш зарур, — дея таъкидлади Саудия Арабистони подшоҳлиги Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, — Ўзбекистонга ташрифимиздан кўзланган мақсад — ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги имкониятларини очишдан иборатдир. Шу ўринда биз мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Шаҳзода Холид бин Сауд бин Холид Ол Сауд икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг янада равнақ топишига ҳам туртки беражагига ишонч билдирди.

— Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг бугунги суръатидан келиб чиққан ҳолда, шуни комил ишонч билан айтишим мумкинки, яқин келажакда мамлакатингиз дунёнинг саноати ривожланган давлатларидан бирига айланади, — дея ўз сўзини якунлади Саудия Арабистони подшоҳлиги делегацияси раҳбари.

**«Жаҳон» АА.**

# КЕЛАЖАК АВЛОД МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

– Таъкидлаш жоизки, бу борада амалга оширилаётган хайрли ишларда нафақат давлат, балки жамоат тузилмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳозирги ва келажак авлоднинг қулай атроф-муҳит ҳамда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳуқуқини амалга ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлида мамлакатимиз фуқаролари ва турли ташкилотларни бирлаштиради. Экоҳаракат мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муносиб ўрин эгаллаб, Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган муҳим вазифаларни бажаришда фаол иштирок этмоқда. Экоҳаракат мамлакатимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотларнинг атроф-муҳит ва тиббиёт соҳасида амалга ошираётган фаолиятини мувофиқлаштирмоқда ва қўллаб-қувватламоқда. Бу борадаги ишларга 660 нафардан ортиқ юқори малакали экспертлар жалб қилинган.

Миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Экологик ҳаракатга 15 депутатлик ўрни ажратилди. Бу ҳал қилинишидан жамиятимиз манфаатдор бўлган кўплаб муҳим масалалар билан боғлиқдир. Экоҳаракат учун бундай квота жаҳон парламентаризми тарихида илк бор жорий этилди. Парламент Қонунчилик палатасида фаолият кўрсатиш Экоҳаракат вакилларига мамлакатимиз аҳолисини салбий экологик ўзгаришлардан ҳимоя қилиш, тегишли қонунчиликни такомиллаштиришга бевосита таъсир ўтказиш мақсадида бу борадаги мавжуд муаммоларни кўриб чиқиш ҳамда уларнинг ҳал этилишини назорат қилиш имконини бермоқда. Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг ташаббуси билан қабул қилинган қонунлар ижроси парламентда муҳокама этилмоқда. Экологларга юксак депутатлик минбаридан туриб, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш имконини берадиган бундай ҳуқуқий механизмни яратиш ва қўллаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси кўплаб хорижий давлатларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Аҳолининг экологик маданиятини ошириш, мамлакатимизда экологик вазиятни яхшилашга доир ишларга кенг жамоатчиликни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ёшларни жалб қилиш Экоҳаракатнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Шу мақсадда мамлакатимиз ҳудудларида энг долзарб мавзулар, жумладан, трансчегаравий экологик муаммолар ва инсоннинг қулай табиий муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлашга бағишланган амалий тадбирлар, давра суҳбатлари, мутахассислар иштирокида учрашувлар ўтказилаётир. Масалан, Экоҳаракат фаоллари томонидан Сурхондарё вилоятида «Тожикистон алюминий компанияси» корхонасининг атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига салбий таъсир кўрсатишига қарши ўтказилган оммавий тадбирлар мамлакатимиз ҳамда хорижда катта акс-садо берди. Уларнинг иштирокчилари БМТ ва унинг таркибига кирадиган халқаро ташкилотларга қарата ушбу компания томонидан зарарли саноат чиқиндилари чиқарилишига барҳам бериш тўғрисидаги мурожаатномани қабул қилди. Давлатимиз чегараси яқинида жойлашган мазкур завод мамлакатимиз жанубий ҳудудининг табиати ва аҳолисига 35 йилдан буён жиддий зарар етказиб келаётгани ҳақидаги ахборот ҳам уларда катта қизиқиш уйғотди.

Орол денгизининг қуриши оқибатида юзага келган экологик инқироздан бугун бутун дунё жамоатчилиги яхши хабардор. Президентимиз Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқида Оролбўйида юзага келган мураккаб муаммолар оқибатларини бартараф этиш катта саъй-ҳаракатларни тақозо қилишини ва бунда халқаро ташкилотларнинг ҳам иштироки зарурлигини таъкидлади.

**– Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Оролбўйининг табиий биологик фондини асраб-авайлаш, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳисобланади...**

– Президентимиз кўплаб нуфузли халқаро форумлардаги нутқларида жаҳон ҳамжамияти эътиборини Оролбўйи инқирозининг оқибатларини бартараф этиш учун комплекс чоралар кўриш зарурлигига қаратди. Юртбошимиз ташаббуси билан бу борада Нукус ва Тошкент декларациялари қабул қилинди, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилди, ушбу мавзу бўйича йирик халқаро анжуманлар ўтказилди.

Ер юзидаги энг қадимий ва улкан кўллардан бири – Орол денгизи бир пайтлар табиий заҳираларга бойлиги билан машҳур бўлган, Оролбўйи эса фаровон ҳудуд бўлиб, ноёб ҳайвонот ва набобот олами билан ажралиб турган. Мисол учун, бу ерда «Қизил китоб»га киритилган сайғоқлар сони бир миллионтани ташкил этган. Бугун эса биз Орол денгизи йўқолиб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Унинг ҳажми 13 марта, майдони эса 7 бараварга қисқарди. Сув сатҳи 26 метрга пасайди, қирғоқлари юзлаб километрга чекинди. Баъзи жойларда сув шўрланиши бир литрда қарийб 280 граммни ташкил этмоқда. Орол инқирози минтақада мураккаб иқлим шароитини вужудга келтирди, кучли қурғоқчилик ва ҳаво ҳароратининг кескин ўзгаришларига сабаб бўлмоқда. Денгизнинг қуриб қолган қисмида 5 миллион гектардан зиёд майдонни эгаллаган янги Оролқум чўли пайдо бўлди. Тонналаб туз, қум ва чанг юзлаб километрга тарқалмоқда. Кўплаб кичик кўллар ҳам саёзланиб, қуриди. Оролбўйида ўсимлик ва ҳайвонот олами генофондининг ярмидан кўпи йўқолди. Бу ерда тупроқнинг шўрланиши ва ер ресурсларининг қисқариши, табиий яйловлар ва пичанзорлар сифатининг ёмонлашиши давом этмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Орол инқирозининг ҳалокатли экологик оқибатларини юмшатиш мақсадида улкан ишлар амалга оширилди. Президентимиз Ислом Каримов 2009 йилнинг апрелида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг учрашувида Орол денгизи ҳавзасидаги минтақага ёрдам кўрсатиш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар дастурининг учинчи босқичи концепциясини илгари сурди.

**– Орол инқирози глобал муаммога айланиб бораётган бир пайтда, минтақанинг асосий дарёлари юқори қисмида жойлашган давлатларнинг, амалдаги халқаро нормаларни бузган ҳолда, трансчегаравий сув ресурсларидан фақат ўз манфаатларини кўзлаб фойдаланишга интилаётгани ҳам катта ташвиш уйғотмоқда.**

– Оролбўйи ҳудуди иккита асосий манба – Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади. Шу сабабли уларнинг юқори қисмида катта тўғонли улкан гидроиншоотларни қуриш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши экологияга ўнглаб бўлмайдиган зарар етказиши ва хавфли техноген, ижтимоий-экологик ҳамда гуманитар ҳалокатларга олиб келиши мумкин. Зеро, бу лойиҳалар 30-40 йил аввал ишлаб чиқилган ва эскирган, бунинг устига, ушбу иншоотлар барпо этиладиган зоналарнинг сейсмик хавфи 8-9 баллни ташкил этади. Сўнгги 110 йилда бу ерда 20 дан ортиқ кучли зилзила содир бўлган.

Масалан, Тожикистондаги Роғун ГЭСида баландлиги 335 метрлик тўғон қуриш кўзда тутилмоқда. Ҳолбуки, дунёда ҳали бундай тўғон йўқ. Унинг барпо этилиши янги зилзилаларга сабаб бўлиши ва одамлар ҳаётига катта хавф солиши мумкин. Мабодо тўғон ўпирилиб кетгудек бўлса, Тожикистон, Афғонистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ҳудудидаги 1,5 миллион гектар майдон, 700 дан ортиқ аҳоли пункти сув остида қолади. Шуни унутмаслик керакки, ушбу ҳудудларда қарийб 5 миллион киши истиқомат қилади.

Роғун сув омбори кўзда тутилаётган энергетик иш режимига ўтадиган бўлса, вегетация даврида сув танқиллиги ўртача 22 фоиз, сув кам бўлган йилларда эса ҳозиргига нисбатан қарийб 2 баробар ошади. Бу, ўз навбатида, қурғоқчиликка, катта чўл ҳудудларининг пайдо бўлишига, қишда эса шудгор қилинадиган ерлар ва аҳоли пунктларини сув босишига олиб келади. Бир сўз билан айтганда, янги экологик фалокатга сабаб бўлади.

**– Пойтахтимизда Ўзбекистон экологик ҳаракати ташаббуси билан «Марказий Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш» мавзуида ўтадиган халқаро конференцияда қандай масалаларни муҳокама этиш режалаштирилмоқда?**

– Орол денгизи инқирози, Тожикистон алюминий заводининг шамол орқали Сурхондарё вилоятининг кўплаб туманлари ҳудудларига тарқалаётган заҳарли чиқиндилари, Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида хавфли улкан гидроиншоотларни барпо этиш лойиҳалари бугунги кунда минтақамиз учун ўта долзарб бўлган асосий трансчегаравий экологик муаммолар ҳисобланади. Шунинг учун халқаро конференцияда мана шундай қатор муҳим масалаларни кўриб чиқиш мўлжалланмоқда.

Булар, биринчидан, Орол инқирози оқибатларини юмшатиш бўйича халқаро ҳамкорлик чораларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш, иккинчидан, трансчегаравий дарёлар юқори қисмида янги йирик гидротехник иншоотларнинг қурилиши Марказий Осиё минтақасида сув ресурсларининг янада камайишига олиб келишига жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратишдан иборатдир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, халқаро экспертлар иштирокида бундай лойиҳаларни мустақил экологик ва техник экспертизадан ўтказиш, жумладан, уларнинг трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланиш бўйича халқаро ҳуқуқ принцип ҳамда нормаларига мувофиқлигини аниқлаш даркор. Шунингдек, конференцияда «Тожикистон алюминий компанияси» саноат чиқиндиларининг Ўзбекистоннинг жанубий туманлари атроф-муҳити ва аҳолиси саломатлигига салбий таъсири натижасида юзага келган экологик муаммоларга барҳам беришга кўмаклашиш тўғрисидаги ташаббус қўллаб-қувватланади, деб ишонамиз.

Марказий Осиё минтақасининг кўп миллионли аҳолиси учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу жиддий масалаларни ҳал этиш бугун жаҳон ҳамжамиятидан биргаликда ҳаракат қилишни талаб этмоқда. Зеро, фарзандларимизнинг порлоқ келажаги, саломатлиги ҳақида қайғурадиган бўлсак, уларнинг фаровон ва ресурсларга бой атроф-муҳитда яшашини истасак, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун глобал экологик муаммоларни баҳамжиҳат ҳал этишимиз даркор.

**А.ИВАНОВА**
**ёзиб олди**

# ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ҳисобот даврида жалб қилинган инвестициялар ҳажми 49,8 фоизга ошди. Чунончи, марказлаштирилмаган инвестициялар улуши 72,8 фоизни ташкил этди. Тўғридан-тўғри инвестициялар — 1,3 маротаба, тижорат банклари кредитлари — 1,6 маротаба ошди. Тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг деярли 51 фоизи — саноат, 16,8 фоизи — транспорт ва алоқа, 6,4 фоизи — капитал қурилиш соҳаларини янада ривожлантиришга йўналтирилди.

Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Саидали Насретдиновнинг ахборотига кўра, маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар учун яратилган солиқ ва божхона имтиёзлари, кредит йўли билан қўллаб-қувватлаш имкониятлари кенгайтирилгани боис ўтган давр мобайнида 593,2 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 баробарга ошган. Ушбу дастур доирасида экспорт ҳажми ҳам сезиларли кўпайиб, 13,6 миллион долларни ташкил этди. 28 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу эса импорт таркибини нисбатан қисқартиришга имконият яратди.

Ушбу масала муҳокамасида сўзга чиққан шаҳар ҳокими ўринбосари Фазлитдин Зияев, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Равшан Файзиевлар ишлаб чиқариш соҳасини кенгайтириш, ички бозорни озиқ ва ноозиқ овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган инвестиция лойиҳалари бажарилиши бўйича ҳисобот беришди.

Таҳлиллар давомида корхоналарни янги лойиҳаларга жалб этиш олдидан имкониятни ҳар томонлама ўрганиб чиқиш зарурлигига урғу бериб ўтилди. Ўз навбатида, рақобатбардошли истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва уларнинг турларини янада кўпайтириш, маҳаллий тарзда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан ички бозорни барқарор тўлдириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлигига танқидий баҳо берилди. Бу борада туман ҳокимликлари, шаҳар ҳокимлигининг айрим тузилмалари ҳамда молия муассасалари раҳбарларига истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали ички бозорни аҳоли эҳтиёжига кўра мунтазам тўлдириб бориш, шунингдек, экспорт салоҳиятини янада ошириш юзасидан аниқ вазифалар берилди. Айтиб ўтиш жоизки, ушбу масала доирасида тижорат банклари раҳбарлари эътибори барча савдо нуқталарини ҳамда нақд пул билан фаолият юритувчи хизмат кўрсатиш соҳасини терминал ускуналари билан тўлиқ таъминлаш зарурлигига қаратилди.

Йиғилишда коммунал хизматлари раҳбарларининг ҳисоботини тинглаш давомида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва уй-жой фондининг куз-қиш даврига тайёрлиги ва барқарор ишлашини, шу жумладан газ етказиб берувчи ва энергия билан таъминлайдиган объектларнинг барқарор ишлашини, табиий газ, электр қуввати, ичимлик суви узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш учун уларнинг шахсан жавобгар эканлигига алоҳида урғу берилди.

Кун тартибида аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи кенг муҳокама қилинди. Бу борада айни пайтда ишсиз бўлган ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчиларига эътиборни кучайтириш ва иш билан таъминлаш масаласини тезкор ҳал қилиш юзасидан тегишли мутасадди тузилмалар ҳамда бевосита таълим муассасалари раҳбарларига шахсий жавобгарлик юкланди. Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари эътиборини қаратган ҳолда шу ҳам таъкидлаб ўтилдики, мамлакатимиз раҳбарининг тегишли фармонига кўра иш берувчиларга таълим муассасалари битирувчилари учун махсус квота жойларини яратишда қўшимча имтиёзлар кўзда тутилган, демак, ушбу йўналишда ҳам тегишли амалий чора-тадбирларни изчил татбиқ этиш лозим.

Фаоллар йиғилиши кун тартибида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

## Иқтисодиёт

# ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ АСОСИДА

**Тадбиркорларимизнинг бозор ва харидор талабларидан келиб чиққан ҳолда изланишлари ўз самарасини бермоқдаки, бу янги-янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этишда яққол аксини топмоқда.**

Ички бозорда ўз ўрнини топаётган «Elit Polimer» қўшма корхонасида замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган полимер қувурлар рақобатбардошлиги билан алоҳида ажралиб туради. Корхонада ишлаб чиқарилаётган иссиқ, совуқ сув, оқава сув қувурлари кўплаб соҳа ва тармоқларда қўл келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, бу маҳсулотлар ISO 9001-2008 халқаро стандарт талабларига жавоб беради, шунинг баробарида бир қатор афзалликлари билан аҳамиятлидир. Қувурлар 50 йилдан зиёд хизмат кўрсатади, ўрнатиш ва ташишда қулай, енгил, бирмунча арзон, чиримайди ва ичида қурум тўпламайди.

Корхонани замонавий технологик линиялар билан жиҳозлаш, кадрлар малакасини ошириш масалаларига қаратилган эътибор муваффақиятларга гаров бўлмоқда. Жорий йил охиригача яна бир янги технологик линия ўрнатиш белгиланган. 2011 йил биринчи чорагидан 100 турдан зиёд янги фитинг турлари ишлаб чиқаришга жорий этилади. Янги линиянинг иш бошлаши натижасида қўшимча 20 та иш ўрни яратилади, экспорт ҳажмини ошириш, Россия, Қозоғистон, Туркманистон ва Афғонистонда савдо уйлари очиш ҳам кўзда тутилган.

# СИФАТЛИ ВА МУСТАҲКАМ

**Тайёрланаётган маҳсулот сифатига қаратилган эътибор буюртмаларнинг ортишида, ишлаб чиқариш ривожида муҳим аҳамият касб этади.**

Россиялик шериклар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган «Ирригация бўйича бош махсус конструкторлик бюроси» масъулияти чекланган жамиятида маҳсулотнинг харидоргир турларини яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг самараси эса корхона ривожини таъминлаб, бозордаги ўрнини белгилаяпти.

Шуниси эътиборлики, корхона мутахассисларининг изланишлари янги лойиҳаларни амалга оширишда муҳим ҳисса бўлмоқда. Жорий йил охиригача яна бир янги маҳсулот – чўян радиатор ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу маҳсулотни экспорт қилиш кўзда тутилмоқда.

Корхонада пахтани қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилаётган калава ип ва ундан тикилаётган махсус қўлқоплар кўплаб соҳа ходимларига қўл келмоқда, шу жумладан экспорт ҳам қилиняпти.

Алюмин-пластик қувурларга ҳам талаб ортиб бормоқда. Бир сменада тўрт километр узунликда тайёрланаётган қувурлар сифати, дизайни, мустаҳкамлиги, хизмат кўрсатишда қулайлиги билан ажралиб туради.

# ЯНГИ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАНАДИ

**Хорижий инвестицияларни жалб этиш асносида ташкил этилган корхоналар маҳсулотлари ички бозор талабини қондириш баробарида экспорт қилинаётгани ҳам эътиборга моликдир.**

«Sedat Trico Tashkent» хорижий корхонасида йилдан йилга маҳсулот турлари ортиб, шунга яраша харидорлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда.

Ўтган йиллар мобайнида 2 миллион доллардан зиёд сармоя ўзлаштирилди. Корхонанинг мато ва галантерея цехлари Япония, Италия ва Германиянинг машҳур фирмалари ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, 100 турдан зиёд маҳсулот тайёрлаш имконини бермоқда.

Айни пайтда корхонада янги технологик линиялар ўрнатиш ишлари давом этмоқда. Ҳозирда ойига 150 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланаётган бўлса, шубҳасиз, янги лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми бирмунча ортади ва қўшимча иш ўринлари яратилади.

2010 йилнинг ўтган олти ойи корхонада муваффақиятли кечди. Ўтган йилнинг шу даврига таққослаганда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2,3 баробарга ортди. Маҳсулот турларини кўпайтириш, харидор талаби асосида иш юритиш, давр билан ҳамнафас бўлиб, янги-янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, ички ва ташқи бозорда муносиб ўрин эгаллаш мақсадида саъй-ҳаракат қилинмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**




## Дам олиш соатларида

Ҳар биримиз ҳам дунёда энг севимли ва зўр ҳимояланган гўша — ўз уйимиз, деб ўйлаймиз. Айни пайтда «жаннатмаконимиз» учун нималар қилишимиз кераклиги, таъмирлаш пайтида қай хилдаги қурилиш материаллари ва технологияларидан фойдаланишни, сифат ва таркибига қараб қандай мебель харид қилишни ҳам билишимизга ишончимиз комил. чи? Бундай вазиятлар устида тадқиқот ўтказилиб, мутахассислар ҳавода моғор замбуруғлари мавжудлигига оид тегишли таҳлиллар қилишганда, бинони таъмирлаш чоғида моғор ўчоқлари йўқ қилинмай туриб, деворлар ва шифтлар ямаб кетилгани маълум бўлади. Боладаги аллергия хасталиги айнан шунинг оқибатида келиб чиққан бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

### Аллергия сабаблари

## ХОНАНИ ШАМОЛЛАТИБ ТУРИШНИ УНУТМАНГ

Бироқ таъмирлаш ишларини олиб борар экан, камдан-кам одам у ербу ерда пўпанак босган жойлар, моғор жароҳатларига эътибор беради. Афсуски, кўпчилик шифтлардаги бўёқларнинг шишиб, ёрилиб, попилтириққа ўхшаб қолиши, ваннахонада эса, шифтларнинг қорайиши ва кафель плиталари орасидаги қора чокларга кўникиб кетади. Моғордан кўкариб кетган ертўлаларда эса, сабзавот ва меваларни асрашда давом этаверамиз. Кўпинча, буларнинг ҳаммасини бўёқ билан бўяб ташлаш, гипсокартон билан устини ёпиб юбориш, баъзан эса, улардан кўз юмиб қўя қолишни афзал кўрамиз.

Лекин бундай енгил-елпи чоралар узоққа олиб бормайди – моғор ўз кучини намоён эта бошлайди. Хўш, нима қилиш керак, бунинг бирор чораси борми? Бор, албатта. Ишлаб чиқарувчилар бир қанча дори воситаларини ишлаб чиқишганки, уларни қўллаш ҳар қандай мураккаб даражадаги микроблар билан ифлосланишга қарши таъсирчан курашиш мумкин. Улар моғор босиш, «ифлос» ҳаво, ёмон ҳидларга қарши самарали курашиш имконини берибгина қолмай, амалда ҳар қандай қурилиш ашёларининг хизмат қилиш муддатларини узайтириб, шу йўл билан бесамар таъмирлаш муаммоларини ҳал этади.

Кўп ҳолларда ота-оналар: «Соппасоғ юрган болада силлани қуритадиган йўтал пайдо бўлса, шифокорлар «моғорга аллергияси бор» деган ташхис қўйишадими, деб сўрашади. Ахир уйида моғорнинг ўзи йўқ бўлса. Шундай ҳолатлар ҳам юз беради-ки, оила барча аъзоларининг саломатликлари ёмонлашади. Уларда кўзлар ёшланиши, қичишиши, аксиришлар, дам-бадам шамоллаш, бош оғриши, нафас олишнинг бузилиши кузатилади. Булар специфик бўлмаган аллергия аломатлари – «бемор бино касаллиги» дейиш мумкин.

Кўпинча мазкур аломатлар шамоллатиш тизими, гидроизоляция ҳолати, ҳарорат ва санитария-гигиена режими бузилган биноларда юзага келади.Шишапакетлар оммалашиб кетиши билан дераза ойналари атрофида ва ромларнинг ўзида моғорлар кўпайиб бораётгани ҳақида қўнғироқлар ҳам` кўпайиб қолди. Аммо бундан шу хилдаги ойналарни қўйиб бўлмас экан-да, деган хулоса келиб чиқмайди.

Бу ерда муаммо анча жиддий. Бу – уйда, тўғрироғи, шамоллатиш камерасида моғордан жароҳатланиш ўчоғи мавжуд деган гапдир. Шу тариқа моғор бинонинг ичига жойлашиб олган бўлиб, унга янада кўпроқ герметиклик хусусиятини бахш этувчи янги деразалар пайдо бўлиши билан у юза жойларда ҳам намоён бўла бошлади.

Таассуфки, шамоллатиш камераларига қўл етиши қийин ва шунинг учун моғор жароҳатларини йўқотиб бўлмайди. Бундай ҳолатларда хоналарни тез-тез шамоллатиб туриш, ойнапакетларда микрошамоллатиш режимидан фойдаланиш ҳамда моғорга қарши дори воситаларидан фойдаланган ҳолда олдини олиш чораларини қўллаш керак.

### Фойдали маслаҳатлар

## ГУЛЛАР СЎЛМАСИН ДЕСАНГИЗ

Голландиялик олимлар узилган гуллар умрини узайтириш омиллари бўйича махсус тадқиқот ўтказишди. Бундан ажойиб ва хушбўй гуллар сўлиб қолмай, узоқроқ вақт хонани безаб туришига эришиш мақсади кўзда тутилганди. Гуллар экспорти бўйича етакчи мамлакат ҳисобланган Голландия олимларининг ушбу тадқиқотга қўл уришларига ажабланмаса ҳам бўлади.

Аммо муҳими, тадқиқот натижаси катта шов-шувларга сабаб бўлганида. Маълум бўлишича, узилган гуллар умрини узайтиришнинг энг самарали усули – уларни Coca-cola, Fanta, Sprite ва шунга ўхшаш ширин ичимликлар билан суғориш бўлиб чиқди.

Мазкур «узилган гуллар умрни узайтирувчи воситалар» сувга қўшилганда, улар анча узоқ сақланган.Шуниси ҳам қизиқки, гулларга таркибида қанд моддаси кам бўлган Coca-cola Light мутлақо ёқмаган. Фақат ростмана Cocacolaгина самарали таъсир этган.

### Бу — қизиқ

## ИНСОНЛАР ҲАҚИДА

- Одамнинг бўйи кечга бориб эрталабкидан 1 сантиметрга пасаяди.
- Қўлнинг кўрсаткич бармоғи бошқаларига нисбатан энг сезгири ҳисобланади
- Инсон организми бир сонияда 15 миллион эритроцитларни вужудга келтиради ва ҳалок қилади.
- Бўкиб овқат ейилганда эшитиш қобилияти вақтинча ёмонлашади.
- Тушлик вақтида одам тахминан 295 марта ютинади.
- Агар 1 миллиард одам бир вақтнинг ўзида сакраса, унинг кучи 500 тонна TNT га тенг бўлади.
- Ер юзида ҳозир инсоният пайдо бўлганидан бери вафот этганлардан кўпроқ киши яшамоқда.
- Ухлаётган хонангиз қанчалик совуқ бўлса, ёқимсиз тушлар кўриш эҳтимоли шунчалик кўп бўлади.
- Ҳашаротлар энг кўп одамнинг оёғини чақади.
- Аёллар эркакларга қараганда икки карра кўпроқ кўзларини қисиб-очиб туришаркан.
- Киши организми учун бир йўла саккиз соат ўрнига уни иккига бўлиб, тўрт соатдан ухлаш фойдалироқ.

### Билиб қўйган яхши

## АСАЛАРИЛАР ЁРДАМГА КЕЛАДИ

Бугун биз сизларга даволашнинг бир экзотик тури, у ҳам бўлса – апитерапия ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Апитерапия дегани нима ўзи? Англаганингиздек, апитерапия тиббиётнинг инсон танасини соғломлаштириш мақсадида асаларилар ишлаб чиқарган шифобахш озиқаларни қўллашга асосланган янги йўналишидир!

Келинг, апитерапия ёрдамида нималарни даволашади-ю, бу даволаш қанчалик самарали эканини аниқлашга биргаликда уриниб кўрамиз. Мабодо, қачонлардир сиз ҳам апитерапия усулидан фойдаланишга қарор қилсангиз, энг аввало, текширишдан ўтишингиз, аниқроғи организмингизнинг токсинларга умумий бардошлилиги биологик пробасини текширтиришингиз керак бўлади. Зеро, даволашнинг бу усули ҳаммага ҳам фойда беравермайди.

Энди эса, апитерапия тузатиб юборадиган касалликлар доирасини билиб олишга интиламиз. Шуни айтиш керакки, бундай рўйхат анча узунлиги билан ҳайрон қолдириши мумкин. Эътибор қилинг-а: неврология, ревматология, дерматология, эндокринология, жарроҳлик, кўз хасталиклари, урология, гинекология, кардиология, отоларингология – қўйингчи, унинг шифо хусусияти кўплаб касалликларга малҳам бўлади.

Даволаш қандай амалга оширилишини ҳам билиб қўйганингиз маъқул. Бунинг бир қанча усуллари мавжуд ва улардан энг кенг тарқалгани – жароҳат ўчоғида тананинг биологик фаол зоналарини асаларига чақтиришдан иборат. Одатда даволаш курси уч ҳафта давом этади. Албатта, яхши мутахассислар қўлида асалнинг заҳри ҳам инсонни кўпгина касалликлардан халос этади.


*Болажонларимиз орзу-мақсадлари фазо чўққиларини забт этади*

### Янги лойиҳалар

## ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ КЎРИГИ

**«Камолот» ЁИҲ ва «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида «Очиқ осмон остида» танлови эълон қилинди.**

Мазкур лойиҳа ёшларда ижодкорлик истеъдодини аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида амалга оширилмоқда. Асосан танловда хайкалтарошлик санъати йўналишида ижод қилаётган ўғил-қизлар иштирок этади.

Республика рассомчилик коллежида бўлиб ўтган танловда Шайхонтоҳур тумани ўқув юртларида таҳсил олаётган ўқувчилар фаол иштирок этди.

– Дарҳақиқат, ёшларимиз миллий қадриятларимиз аҳамиятини, ўзларининг она юртига бўлган меҳр-муҳаббатини ҳайкаллар орқали ёритиб беришга ҳаракат қилишди, – дейди «Камолот» ЁИҲ шаҳар бўлими мутахассиси Гулнора Абдуваҳобова. – Танловга тақдим этилган ишлар бир-биридан аъло. Очиғини айтганда, ҳар бир иштирокчи юқори баҳога сазовор. Асарларда ёшларимизнинг қалб кўри мужассам этилган. Шу боис энг яхшиларини танлаб олиш жараёни осон кечмади. Шаҳримизнинг битта тумани миқёсида яна ўнлаб истеъдод эгалари кашф этилганидан фақат фахрланиш мумкин. Кўргазмали танловга ташриф буюрган меҳмонлар бундай лойиҳаларни кўплаб ташкил этиш лозимлигини қайд этишди.

Танловда 40 дан зиёд шижоаткор ёшлар иштирок этди. Улар томонидан тақдим этилган ишлар кўриб чиқилиб, муаллифлар билан алоҳида суҳбатлар ҳам ўтказилди. Натижада биринчи ўринга «Ипак йўли» асари муаллифи Камолиддин Мамадалиев муносиб деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Баҳром Норбоев ва Соҳиб Юнусовлар эгаллади.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоизки, пойтахтимизнинг бошқа туманлари миқёсида ҳам «Очиқ осмон остида» танлови ўтказилади.

**Акобир НОСИРХЎЖАЕВ,**
**Тошкент Ислом университети қошидаги академик лицей ўқувчиси**

### Семинарлар

## ДАРС СИФАТИ БИЛИМНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

**Ҳамза туманидаги 151-мактабда биология ва кимё фани ўқитувчилари учун таълим самарадорлигини ошириш ва дарс сифатини яхшилашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган семинарда мазкур соҳаларга қаратилаётган эътибор, бу борадаги дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг самарадорлигини ошириш, лаборатория хоналарини замонавий жиҳозлаш, ўқувчиларнинг фан йўналишида чуқур билим олиши муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларнинг билимини аниқлашда, шубҳасиз, умумтаълим фанлари бўйича ўтказиладиган олимпиадаларнинг ўрни катта. Олимпиаданинг биринчи босқичидан муваффақиятли ўтган ўқувчилар иккинчи босқичга йўлланма олиб, ёзма иш, лаборатория машғулоти ва тест синовларидан ўтади. Йиғилишда биология ва кимё фанлари бўйича олимпиада учун тузиладиган саволлар, тест синовлари борасида тўхталинди.

Семинар давомида биология ва кимё фани ўқитувчилари томонидан «Келажак авлоднинг тадқиқот асослари», «Тўқималарнинг жойлашиши» мавзуларида ноанъанавий очиқ дарслар ўтилди.

— Биология ва кимё фанидан олимпиада ва бошқа турли синовларда муваффақиятли иштирок этмоқчи бўлган ўқувчи назарий билим, амалий кўникма, имло саводхонлиги, мисол ва масалаларни еча олиш маҳоратига эга бўлиши билан бирга, лаборатория тажрибаларини ҳам мустақил ўтказа олиши керак, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига биология фани ўқитувчиси Оксана Котова. — Бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, бу фанларни ўзлаштиришда ўғил-қизларимиздан кучли зеҳн, сабр-тоқат ва ўз устида мустақил изланиш талаб қилинади.

**Азима ҚИЁСОВА**

### Тарихга янги назар

## «ТИТАНИК» ҲАЛОКАТИ СИРИ ОЧИЛДИ

Ниҳоят, XX аср бошларидаги энг йирик ҳалокатнинг ҳақиқий сабаби ошкор бўлди. «Титаник» трансатлантик лайнери капитани ёрдамчиси Чарльз Лайтоллернинг набираси шу ҳақда гапириб берган. Бувасининг ҳикояларига асосланган ҳолда Леди Паттен трансатлантик лайнер ҳалокатининг янги тахминини олға сурди ва бу тахмин расмий хулоса сифатида қабул этилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ёзувчининг фикрича, «Титаник» катта тезликда сузиб боргани ва бунинг оқибатида айсберг билан тўқнашувдан қочишнинг имкони бўлмагани учун чўкиб кетмаган. Муз палахсасига чап бериш учун вақт керагидан ортиқча бор эди, бироқ рул бошқарувчиси саросимага тушиб қолиб, штурвални бошқа томонга буриб юборган. Кема тешилиб, бунинг натижасида чўкиб кетган.

Шунга қарамай, «Титаник» тўқнашувдан кейин дарҳол тўхтатилса, йўловчилар ва экипаж аъзоларини қутқариб қолиш мумкин эди. Бунинг устига шу орадаги кема «Титаник»дан бор-йўғи бир неча миль нарида эди, холос. Улкан кема тасарруфида бўлган компания эгаси, бу ҳодиса унга кўплаб моддий зарар келтиришидан қўрқиб, капитанни сузишни давом эттиришга кўндирган. У «Титаник»ни қутқаришни истаса-да, муаммонинг фақат молиявий жиҳатини ўйларди.

Кема трюмларига сув кириши тезлиги геометрик прогрессия асосида кўпайиб борди. Натижада лайнер бир неча соат эмас, саноқли дақиқалар ичида чўкиб кетди. Кема нима учун сув остига чўкаётгани ҳақида Лайтоллер фақат ўз қариндошларини хабардор қилишга улгурди, холос.

Паттеннинг айтишича, унинг бувасиُ ўз обрўсига путур етишидан чўчиб, 1912 йилги ҳалокатнинг асл сабаблари кенг жамоатчиликка ошкор´бўлишини истамасди. Ёзувчининг бувиси ва онаси ҳам айнан шу фикрда эдилар. «Қариндошларим аллақачонлар вафот этиб кетишган ва мен эндиликда «Титаник» ҳалокатининг ҳақиқий сабабларидан хабардор ягона гувоҳ бўлиб қолганимни тушундим», деб гапириб берган Паттен.

## АВТОМОБИЛЬ АПТЕЧКАСИДА ЭНДИ ДОРИ БЎЛМАЙДИ

Россия соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожланиш вазирлиги стандарт автомобиль аптечкасини ўрганиб чиқиб, йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланганларга биринчи ёрдам беришда унинг жуда кам нафи тегади, деган хулосага келди. Шунинг учун ҳам унинг таркибини бутунлай ўзгартиришга қарор қилинди.

Йилнинг фаслига қараб, машинада ҳарорат -30 даражагача тушиб кетиши ёки +40 даражагача кўтарилиб кетиши мумкин. Бу ҳолат аптечкадаги дорилар сақланишига ёмон таъсир этади. Кам деганда, улар шунчаки муддатидан илгари ўз шифо хусусиятларини йўқотади. Аслида улар саломатлик учун хавфли бўлиб қолиши ҳам мумкин. Шунингдек, баъзи дори воситаларини биргаликда, жумладан, анальгин билан аспиринни бир вақтда қабул қилиш соғлиққа зарар қилади.

Аптечкадан тиббиётдан бехабар одамлар фойдаланишларини ҳисобга олиб, ундан дориларни олиб ташлаш керак. Янги аптечка таркибига жабрланганлар нафас олишини тиклашга ёрдам берадиган ўпкани сунъий нафас олдирувчи аппарат қўшилади. Шу билан бирга қон оқишини тўхтатувчи материаллар миқдори оширилади.

Вазирлик департаменти раҳбари Ольга Кривоноснинг айтишича, янги аптечкалар бўлиши шу йил 1 июлдан мажбурий қилиб қўйилган.

**Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.**

### Ғаройиб воқеалар

## ҲАЛОСКОР ЛЕО

Мазкур ноёб ҳодиса Австралиянинг Мельбурн шаҳрида юз берда. Ит ўз жонини хатарга қўйиб бир нечта янги туғилган мушукчаларни ёнаётган оловдан қутқариб қолди. Ушбу ҳодиса «бирбири билан ит-мушукдек талашади» деган ибора Лео лақабли итнинг ғайриоддий ҳаракати билан рад этилишини кўрсатади.

Австралия жанубидаги Мельбурн шаҳрида кутилмаганда ёнғин юз берди. Леони оловдан олиб чиққан ўт ўчирувчиларнинг айтишларича, ит уйини тарк этишни рад этиб, мушукчаларни муҳофаза қилиб, улар ёнидан қимирламай турган ҳолида топилган. Кейинчалик Лео қутқарилган мушукчалари билан уйига қайтиб, янги «Ҳалоскор Лео» лақабини олган.

## НОҚОНУНИЙ ТОВАРЛАРГА ЙЎЛ ЙЎҚ

**Бугунги кунда истеъмол бозорини турли хил сифатсиз, истеъмолга яроқсиз, тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган маҳсулотлардан ҳимоя қилиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.**

Шайхонтоҳур тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан ўтган даврда ҳукуматнинг тегишли қарори ижросини таъминлаш юзасидан қатор тадбирлар ўтказилди. Бунинг натижасида 202 та ҳуқуқбузарликлар ҳолати аниқланиб, шундан 180 та ҳолатда маъмурий жазо белгиланди, 22 та ҳолатда ноқонуний равишда республикага киритилган, сифат сертификатисиз сотилаётган товар-моддий бойликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Жумладан, тамаки, алкоголь маҳсулотлари, 25 минг донадан ортиқ 20765000 сўмлик ДВД, СД ва МПЗ дисклар, сертификатланмаган 85300000 сўмлик озиқ-овқатлар ва 52700000 сўмлик ноозиқ-овқат маҳсулотлари, 170 та ҳолатда 497500000 сўмлик кийим-кечак, маиший техника ва уй-рўзғор буюмлари олиб қўйилган.

Ушбу товар-моддий бойликлар бўйича белгиланган тартибда далолатномалар тузилиб, мутахассислар томонидан сифати ва баҳолаш хулосалари олинди ва иш материаллари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

Ҳукуматимиз қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида солиқ инспекцияси ходимлари томонидан республикамизга сертификатланмаган, ноқонуний йўллар билан кираётган товарларга чек қўйиш мақсадида мунтазам равишда тегишли чора-тадбирлар амалга ошириб келинади.

**Суръат ТОШМАТОВ,**
**Шайхонтоҳур тумани ДСИ ходими**

# ЭМЛАШ СОҒЛИҚ ГАРОВИ

**Илгари хабар қилинганидек, республикамизда 30 октябрга қадар полиомиелит касаллигига қарши эмлаш тадбирлари ўтказилади.**

Полиомиелит касаллиги иммун тизимининг заифлиги сабабли асосан болаларда кузатилади. Унинг асоратлари ногиронликка, баъзи ҳолатларда эса ўлимга ҳам олиб келади. Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ ушбу касалликни бутунлай тугатиш мақсадида эмлаш кунлари босқичма-босқич олиб борилмоқда. Кўрилган мақсадли тадбирлар натижасида Ўзбекистон полиомиелит вирусидан холи ҳудуд сифатида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатига эга бўлди.

Мутасадди ташкилотлар маълумотларига кўра, бугунги кунда баъзи қўшни давлатларда юзага келган эпидемик вазият боис шол касаллигининг четдан кириб келиш ва тарқалиш хавфи мавжуд. Бу хавфни бартараф этиш мақсадида шу йилнинг май-июнь-июль ойларида минтақамизда уч босқичли оммавий эмлаш кунлари ўтказилди ва унда беш ёшгача бўлган болалар қамраб олинди. Тошкент шаҳрининг ўзида 172 мингдан ортиқ беш ёшгача болалар эмланди. Эндиликда ушбу тадбирнинг тўртинчи босқичи юртимизнинг барча даволаш профилактика муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ва махсус эмлаш шохобчаларида ўтказилмоқда. Бу жараёнга ҳозирда 15 ёшгача болалар қамраб олиниб, касалликка қарши орал (оғиз орқали) йўли билан эмланмоқда. Шу йилнинг ўзида республика бўйича 10 миллиондан ортиқ болаларни эмлаш режалаштирилган бўлиб, Тошкент шаҳрида 15 ёшгача, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида эса 25 ёшгача бўлган аҳолининг ушбу профилактикада иштирок этиши мўлжалланган.

– Полиомиелит ўта юқумли касаллик бўлиб, ифлосланган озуқа ва сув истеъмол қилганда юқади, – дейди «Туркистон-пресс» мухбирига шаҳар санитария-эпидемиология назорат маркази иммуннопрофилактика бўлими мудири Лола Сайфуддинова.– Касаллик манбаи бемор киши ҳисобланиб, у асосан 14 ёшгача бўлган болаларда кузатилади. Вирус ичакларда кўпайиб, қон тизими орқали асаб тизимига ўтади ва ҳужайраларни шикастлайди. Унинг яширин даври 6 кундан 20 кунгача бўлиб, ўн кун ўтгач касалликнинг клиник белгилари кўрина бошлайди. Ҳозирда тўртинчи босқич эмлаш тадбирига Соғлиқни сақлаш вазирлигига Жаҳон соғлиқни сақлаш ва ЮНИСЕФ халқаро ташкилотлари ёрдамида 11 миллион доза шолга қарши вакцина олиб келинди.

Айни пайтда Тошкент шаҳрининг ўзида 529,8 мингга яқин болани эмлаш режалаштирилган. Эмлашнинг оммавийлигини таъминлашда тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти катта. Шу боис касаллик клиникаси, ташхиси ва даволаш мавзуларида ҳамма маъмурий ҳудудларда тиббиёт ходимлари учун бир қанча учрашув ва семинарлар ташкиллаштирилди. Республикада 8,6 мингга яқин эмлаш бригадалари, 10 мингдан ортиқ эмлаш шохобчалари хизматга сафарбар этилди. Полиомиелитга қарши эмлашни самарали ўтказиш учун махсус тайёргарликдан ўтказилган 9 мингдан ортиқ шифокор, 32 мингга яқин эмлаш ва патронаж ҳамширалари жалб этилган.

Шуни таъкидлаш керакки, полиомиелитга қарши вакцина хавфсиз ва самарали. Эмлаш жараёнида фарзандларимизнинг фаол қатнашига барчамиз масъул бўлишимиз лозим. Зеро, эмлашдан кўзланган асосий мақсад фарзандларимизни касалликдан асраш ва эҳтиёт чораларини кўришдир.

**Наргиза АСАДОВА**



## Осиё чемпионати-2010

# МУХЛИСЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

**Кеча «Пахтакор» марказий стадионига йиғилган минглаб мухлисларнинг қалби қувончга тўлди.**

Шаҳримизда ўсмирлар ўртасида футбол бўйича давом этаётган Осиё чемпионати «А» ва «В» гуруҳининг учинчи тур баҳслари якунланди ва чорак финалга йўлланма олган дастлабки терма жамоалар номи маълум бўлди.

«А» гуруҳида ўтказилган икки турдан кейин тўрт очко жамғарган Ўзбекистон терма жамоаси тожикистонлик футболчилар билан куч синашди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Алексей Евстафеев шогирдлари майдоннинг ҳар бир қарич ерида тўп учун кескин кураш олиб борди. Қувонарлиси, ҳам ҳимояда, ҳам марказда тўлиқ устунлик қилган футболчиларимиз ҳужумкорлик борасида ҳам рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Натижада мухлислар ҳамюртларимиз томонидан амалга оширилаётган чиройли комбинациялар ва хавфли ҳужумларнинг гувоҳи бўлди.

Дарвоқе, бу сафар ҳужумларни самарали якунлаш футболчиларимизга насиб этди. Биринчи бўлимнинг ўзида Ҳакимов (2 та), Мирабдуллаев, Махситалиевлар томонидан тожиклар дарвозаси тўрт марта аниқ нишонга олинди. Иккинчи бўлимда ҳам ҳужумкорликка зўр берган Евстафеев шогирдлари томонидан рақиб дарвозаси тўрт марта Камолов, Муродов, Ҳакимов (2 та) томонидан ишғол этилди. Ўзбекистонликларнинг саккизта голига рақиблар футболчиси Мухтожзода бор-йўғи битта гол билан жавоб қайтарди. Учрашувни 8:1 ҳисобидаги ажойиб ғалаба билан якунлаган терма жамоамиз чорак финалга йўлланма олди.

Ушбу гуруҳда Иордания — Индонезия терма жамоалари учрашуви 1:0 ҳисобида иорданияликлар ғалабаси билан якунланди ва иккинчи ўринни қўлга киритган ушбу терма жамоа ҳам чорак финалда омадини синаб кўради.

«В» гуруҳидаги учинчи тур қуйидагича якунланди: Эрон — Сурия – 1:1, КХДР — Уммон — 2:1. Ушбу гуруҳдан Сурия ва Шимолий Корея терма жамоалари тегишли равишда биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган ҳолда чорак финалда иштирок этади.

Энди чорак финалда Ўзбекистон — Шимолий Корея, Иордания — Сурия терма жамоалари рўбарў бўлади.

**Бугун** «С» ва «Д» гуруҳларида учинчи тур баҳслари бўлиб ўтади. Унда Япония — Австралия, БАА — Ироқ, Шарқий Тимор — Вьетнам, Хитой — Қувайт терма жамоалари куч синашишади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# Оз-оз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### «ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР»ДАН

Ғайрдин сафҳангни қилғил пок,
яъни айлама
Хотиринг лавҳини ҳар хат
бирла маъюб, эй кўнгул.

* * *

Куч била чиқмоқ не
имкон реша беркиткан ниҳол.

* * *

Луъбати даҳр фирибри била
бозий емаким,
Бермади кимсага бу
шоҳиди маккора кўнгул.

* * *

Бу чаман раънолари
саркашлик этгандин не суд –
Ким, хазон торожидин
эмин эмастур бир ниҳол.

* * *

Ҳусн сотма шафақинг
рангидин, эй золи сипеҳр –
Ким, ани қўймағуси
гардиши айём қизил.

* * *

...кишига жонидин узмак
эмас осон кўнгул.

* * *

Бир насиҳат қилғум, эй
ишқ аҳли, айланг истимоъ,
Солмангиз ҳар сори кўз,
то бўлмасун ҳар ён кўнгул.

* * *

Қўй дуру феруза баҳсинким,
нужуму чархни
Нилуфар барги узра
шабнамча кўрмас ҳимматим.

* * *

Ғанимат англасун булбули
гул етгачки, бўстондин
Учар гул яфроғи ҳам, қолмас
учмай гарчи булбул ҳам.

* * *

Замон эли гар урушсуну
гар ярашсунлар –
Ки, не урушим алар бирла
бору не ярашим.

* * *

Гар малак тасбеҳи дона,
ҳур зулфи дом эрур –
Ким, бу дому донаға зийрак
қуш эрсанг, бўлма ром.

* * *

Даҳр боғининг ҳавосидур
самуму суйи заҳр,
Анда бўлмас бу ҳавову су
била қилмоқ мақом.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Мўйноқ кўчаси, 241-уй «Шарқли Мелиса» жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1.16.03.2010 йилдаги № 1-233/10-сон ижро варақасига асосан 2009 йилда и/ч. дав.бел. 11 Н 38-50 бўлган «Нексия Донс» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 19 000 000 сўм. 2. 10.09.2008 йилдаги № 1-562/08-сон ижро варақасига асосан 1981 йилда и/ч. дав.бел. 30 Р 06-14 бўлган «ВАЗ-2106» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 136 660 сўм. 3. 09.02.2010 йилдаги № 1-104/10-сон ижро варақасига асосан 2005 йилда и/ч дав.бел. 30 Р 30-39 бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 7 948 865 сўм. 4.30.09.2009 йилдаги № 1-363/09-сон ижро варақасига асосан 1991 йилда и/ч. дав.бел. 30 G 03-78 бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 11 257 576 сўм. 5. 05.12.2009 йилдаги № 1-900/09-сон ижро варақасига асосан 1983 йилда и/ч. дав.бел. 30 С 61-42 бўлган «Москвич 412» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 435 562 сўм. 6. 26.09.2010 йилдаги № 1-504/09-сон ижро варақасига асосан 1988 йилда и/ч дав.бел. 10 AZ 071 бўлган «Камаз 53212» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 25 485 493 сўм. 7.28.09.2009 йилдаги № 2-702/09-сон ижро варақасига асосан 2001 йилда и/ч. дав.-бел. 30 А 35-63 бўлган «Ваз-21060» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 4 758 882 сўм. 8.28.09.2009 йилдаги № 2-702/09-сон ижро варақасига асосан 2007 йилда и/ч. дав.бел. 01 J 416 ВА бўлган «Ваз-2107» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 7 803 443 сўм. 9. 17.05.2010 йилдаги № 1-87/10-сон ижро варақасига асосан 2008 йилда и/ч. дав.бел. 10 Н 026 АА бўлган «Нексия Донс » русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 18 026 603 сўм. 10. 30.04.2009 йилдаги № 1-327/09-сон ижро варақасига асосан 1987 йилда и/ч дав.бел. 30 G 50-81 бўлган «Ваз-2106» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 411 472 сўм. 11.04.12.2009 йилдаги № 1-960/09-сон ижро варақасига асосан 1980 йилда и/ч. дав.бел. 30 А 87-69 бўлган «Газ-24» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 1 337 133 сўм. 12.08.01.2010 йилдаги № 2-04/10-сон ижро варақасига асосан 1999 йилда и/ч. дав.бел. 10 G 599 АА бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 9 764 160 сўм Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот маркази ашёлар сақлаш омборхонасида сақланаётган 02.06.2010 йилдаги ижро варақасига асосан 2006 йилда и/ч. дав.бел. 01 Х 627 СА бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 8 500 000 сўм. Аукцион савдосига Оққўрғон тумани

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

СИБ томонидан 09.08.2010 йилдаги № 11-1005/5668-сон ижро варақасига Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Алимкент қўрғони С.Айний кўчаси, 35-уйда жойлашган Мева ва сабзавот қайта ишлаш ва куритиш мосламаси бино ва иншоотлари билан мажмуа ҳолда, бошланғич нархи – 1 167 318 600 сўм. 1.Аукцион савдосига Паркент тумани СИБ томонидан 21.07.2010 йилдаги № 5-530/2010-сон ижро варақасига асосан УК «Аргин Савдо» омборхонасида сақланаётган 1988 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. Х 825 WLM бўлган «Мерседес Бенц 230 Е» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 10 755 564 сўм.

Аукцион савдосига Собир Раҳимов тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани «Себзор» жарима майдончасида сақланаётган 06.08.2010 йилдаги № 1/10-сон ижро варақасига асосан 2008 йилда и/ч. дав.бел. 01 Q 377 ВА бўлган «Крайслер-300» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 83 200 000 сўм.

Аукцион савдолари 2010 йилнинг 2 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги автотранспорт воситалари такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 23 декабрь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

**2010 йил 11 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда.**

1.Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 18.03.2010 йилдаги № 1-406/2009-сон ижро варақасига асосан «Шарқли Мелиса» жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 2007 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 30 Z 94-41 бўлган «HAFEI» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 15 499 439 сўм. 2.21.08.2009 йилдаги № 2-81/09-сон ижро варақасига асосан Файзиобод ТИФ божхона омборида сақланаётган 1999 йилда ишлаб чиқ. дав.белгисиз бўлган «Тойота РАВ-4» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 29 925 450 сўм. 1.Юнусобод тумани СИБ томонидан Ўз.Рес.МХХ автотранспорт воситаларини сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 06.07.2009 йилдаги № 11906-сон ижро ҳужжат. асосан и/чиқ. йили номаълум дав.бел. Т 48 43, бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 10 000 000 сўм. 2. 16.01.2009 йилдаги № 1388-сон ижро ҳужжат. асосан 1990 йилда и/чиқ. дав.бел. 10 О 949 АА бўлган «Мерседес Бенц 200» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 11 780 571 сўм. 3. 24.11.2009 йилдаги № 20737-сон ижро ҳужжат. асосан 2006 йилда и/чиқ. дав.бел. 30 Т 0337 бўлган «Нисан Тида» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 25 416 384 сўм. 5. 05.04.2010 йилдаги № 10444-сон ижро ҳужжат. асосан 2007 йилда и/чиқ. дав.бел. 01 L 123 АА бўлган «Шевролет Такума» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 25 277 371 сўм. 1. М.Улуғбек тумани СИБ томонидан 02.04.2010 йилдаги № 776/10-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани МЧЖ «Шарқли Мелиса» жарима майдончасида сақланаётган 1989 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 10 N 1369 бўлган «Ваз-2107» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 077 377 сўм. 2. М.Улуғбек тумани СИБ томонидан 02.04.2010 йилдаги № 776/10-сон ижро варақасига асосан Юнусобод тумани ИИББ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган 1996 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. D 439 РХМ бўлган «Нисан Алмера» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 6 871 532 сўм. 1.Паркент тумани СИБ томонидан 10.05.2010 йилдаги № 11-1030/5741-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Паркент тумани, Бойқозон қишлоғида жойлашган 9220 кв.м. ер майдонида жойлашган «Бойқозон қишлоқ хўжалик сервис» ММТП МЧЖ га қарашли бўлган маъмурий бино, бошланғич нархи - 83 700 000 сўм.

2. 10.05.2010 йилдаги № 11-1030/5741-сон ижро ҳужжатига асосан 2008 йилда ишлаб чиқарилган давлат белгиси ЕМ 67-33 бўлган «Класс Доминатор» дон ўриш комбайни қўйилмоқда, бошланғич нархи – 80 550 000 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 №000003

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига такроран Учтепа тумани СИБ томонидан**, 27.10.2008 йилдаги, №10-0807/13984, 09.10.2008 йилдаги, №10-0815/10782, 06.03.2009 йилдаги, №10-0906/544, 06.03.2009 йилдаги, №10-0906/534, 27.04.2009 йилдаги, №10-0906/3095, 18.05.2009 йилдаги, №10-0906/4820-сонли ижро ҳужжатларига асосан, Чилонзор мавзе, Учтепа тумани, Д-20, 46-уйда сақланаётган, "ГАЗ-3102951" русумли, д/р 10АТ910 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 2 769 480,96 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 23 ноябрь куни соат 11.00да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 % дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2635 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5

Буюртма Г- 906

Топширилган вақти: 16.55